Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 14 август, № 171 (7673) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

СЕН — ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОН!

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 22 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил 7 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 октябрда қабул қилинган **«Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–501-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 677-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **13-модданинг иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **иккинчи – олтинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларга ёзма шаклда билдиришнома берилиб, унда ишга жойлаштириш бўйича кўрсатилган хизматлар учун фуқаролардан ҳақ ундиришга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек хусусий бандлик агентлиги томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, мурожаат қилиш учун хусусий бандлик агентлигининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг почта манзиллари ҳамда алоқа боғлаш учун телефон рақамлари кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар хусусий бандлик агентлиги ва иш қидираётган шахс ўртасида тузилган хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида кўрсатилади ҳамда қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш масаласи бўйича чет эллик шериклар билан ўз ваколатлари доирасида музокаралар (суҳбатлар) ўтказиш, шартномалар, битимлар ва баённомаларнинг лойиҳаларини тайёрлаш;

эҳтимол тутилган иш берувчиларни қидириш, хорижий мамлакатларнинг меҳнат бозорини ўрганиш асосида бўш иш ўринлари мавжудлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларга ахборот тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида меҳнат фаолиятини амалга оширишни хоҳлаётган шахслар ҳақидаги ахборотни фақат уларнинг розилиги билан чет эллик иш берувчилар ўртасида тарқатиш;

иш қидираётган шахсларга Ўзбекистон Республикасидан ташқарида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун дастлабки тайёргарлик тадбирларини ўтказиш йўли билан кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлашиладиган мамлакатда бўлиш қоидалари, меҳнат шароитлари, ижтимоий ва уй-жой-маиший таъминоти, чет эллик иш берувчилар билан меҳнат шартномаларини тузишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида хабардор қилиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахслар билан иш берувчилар ўртасида меҳнат шартномаларини тузишга кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахслардан Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар учун ҳақ ундириш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш иш берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш учун хусусий бандлик агентликлари захира қилинадиган сумма сарфланган тақдирда маблағларнинг ўрнини тўлдириш, шунингдек лицензия тугатилган ёки бекор қилинган тақдирда маблағларни қайтариш шартлари билан базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз минг беш юз баравари миқдоридаги маблағларни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасида захира қилиб қўяди»;

(Давоми 2-бетда).

ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ҲИМОЯЛАНАДИ

Аввал хабар қилинганидек, "Ёшлар 2020: глобал бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари" мавзуидаги Самарқанд халқаро форуми қизғин муҳокамалар руҳида юксак савияда ўтказилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ташқи ишлар вазирлиги, БМТнинг Ўзбекистондаги жамоаси, ЕХҲТ ташкилоти ҳамда Фридрих Эберт номидаги жамғарма ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу нуфузли анжуманнинг иккинчи ялпи мажлисида ёшлар ҳуқуқлари ва барқарор ривожланиш мақсадларини таъминлаш диққат марказида бўлди.

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Матилда Димовска ва "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати раиси Бобур Бекмуродов модераторлик қилган ушбу сессияда Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди. Мазкур ҳужжат ёшларнинг ҳозирги замонда дунё миқёсида эътироф этилиши лозим бўлган ҳуқуқларини ўзида қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

Қизғин кечган мунозаралар доирасида БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда ёшлар роли қандай бўлиши керак, деган саволга жавоб изланди. Ўз навбатида, ёшларнинг ҳуқуқларини амалга оширишда учраётган асосий муаммолар ҳам таҳлил этилди.

Кеча Самарқанд форуми ўз ишини якунлади.

Сўз — халқаро форум иштирокчиларига

Аланна АРМИТАЖ, UNFPAнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонаси директори:

— Халқаро ёшлар кунида ўтказилаётган мана шундай нуфузли анжуманда қатнашиш мен учун катта шараф. Шу ўринда Ўзбекистон ҳукуматини табриклаган ҳолда, пандемия шароитига қарамай ушбу нуфузли тадбирни ташкил қилгани ҳамда унинг асосий ташаббускори бўлганидан мамнунлигимни изҳор этаман.

Маълумки, Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш борасида бир қатор ташаббуслар илгари сурилиб, ҳаётга кенг жорий этиляпти.

Энди эса ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи халқаро миқёсда муҳокама қилинди. Албатта, биз бугунги глобаллашув даврида ёшларга кенг имкониятлар яратиб беришимиз керак. Бу борада ҳам Ўзбекистонда катта ишлар амалга оширилянти.

2

ИМОМ МОТУРИДИЙ ВА УНИНГ ИЗДОШЛАРИ МЕРОСИНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШ

МИЛЛИЙ, ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ ҲАМДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ТАШАББУСДИР

Президентимиз "Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" қарорга имзо чекди. Мазкур қарор асосида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузурида давлат муассасаси шаклидаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолияти йўлга қўйилади. Мақсад буюк мутафаккир аждодимиз ва унинг издошлари меросини чуқур ўрганиш, миллий, диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу, умуминсоний ғоялар руҳида тарбиялашдан иборат.

Мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида соҳа вакилларининг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

Муносабат

Уйғун ҒОФУРОВ, Тошкент ислом институти ректори:

— Мазкур қарорнинг қабул қилиниши соҳада олиб борилаётган тизимли ишларни янги босқичга кўтаради. Мотуридийнинг Ватани бўлган ҳозирги Ўзбекистонда бу ишларнинг амалга оширилиши бутун ислом дунёсини ҳамда мана шу борада иш олиб бораётган тадқиқотчиларни хурсанд қилмоқда. Марказнинг ташкил этилиши Мотуридий мероси, мотуридийлик таълимоти асосида долзарб бўлган масалаларга ечим топиш имконини беради. Чунки мотуридийлик таълимотининг соф ислом ғоялари тарғиботи йўлидаги аҳамияти ниҳоятда катта. Айниқса, бугун дунёда ақидапарастлик, мутаассибликка асосланган ёвуз ғоялар бу борада етарли билимга эга бўлмаган минглаб инсонларни ўз тузоғига илинтираётган мураккаб даврда Мотуридий сингари алломаларнинг соф ислом моҳиятини тушунтиришга қаратилган меросини ўрганиш ғоят долзарбдир.

Ушбу марказ Абу Мансур Мотуридий ва унинг издошлари меросини чуқур ўрганиш, уларнинг калом илми ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини тадқиқ ва кенг тарғиб этиш, миллий, диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш, шу асосда ёш авлоднинг маънавий, маърифий қарашларимизга ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши мафкуравий иммунитетини кучайтиришга хизмат қилади. Мотуридий ғояларининг нақадар долзарблигини халқаро экспертлар ҳам эътироф этмоқда. Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил қилишга қаратилган мазкур қарорни мусулмон мамлакатлари олимлари, мутахассислари олқишлаб, ҳамкорликни кучайтиришга тайёр эканини билдирмоқда.

2

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

КОРРУПЦИЯ ВА ОДИЛ СУДЛОВ МАСАЛАЛАРИГА ОИД РЕЙТИНГ ЮРИТИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан "Коррупция ва одил судлов масалаларига оид рейтинг юритиш тартиб-таомиллари" мавзуида семинар ўтказилди.

Тадбирда депутатлар, сенаторлар, Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Бош прокуратура Академияси, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Дастлаб, семинар иштирокчиларига мамлакатимизда суд ҳокимияти чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида чуқур институционал ўзгаришларни ўз ичига олган ҳуқуқий механизмлар яратиш борасида амалга оширилган ишлар таништирилди.

Қайд этилганидек, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янада натижадорлиги ва жозибадорлигини ошириш борасида ўз ечимини кутаётган бир қанча муаммолар мавжуд. Шунингдек, шиддат билан ўзгараётган давр фуқаролар эҳтиёжини қондиришга қодир суд-ҳуқуқ тизими бўлишини тақозо этмоқда. Бу борада одил судлов ва коррупцияга қарши курашиш борасида жойлардаги ҳолатни холис баҳолаш тизимини жорий қилиш ҳамда мазкур жараёнда халқ вакилларининг ўрни ва ролини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни белгилаш зарурати мавжуд.

Президентимиз раислигида шу йилнинг 30 июнь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида парламент аъзолари томонидан жойларда мулоқот олиб боришни давом эттириш айтилган эди. Бундан ташқари, ҳар бир ҳудуднинг одил судлов ва коррупция масалаларига оид рейтинги юритилишини таъминлаш таклифи ҳам билдирилган эди.

Семинарда мутасадди идоралар вакилларининг бу борадаги фикр ҳамда таклифлари эшитилиб, рейтинг юритилиши бўйича Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан дастлабки тарзда тайёрланган ҳамда муҳокама учун тақдим этилган услубий қўлланма ҳақида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, ушбу қўлланма ҳудудларнинг коррупция ва одил судлов масалаларига оид рейтингини юритиш тартиби, рейтинг натижаларини шакллантириш манбалари ҳамда рейтинг натижаларини баҳолаш тизимини ўз ичига олган.

Бироқ айнан ички рейтинглар, айниқса, одил судлов ва коррупция масаласида янги соҳа ҳамда янги вазифа бўлганлиги, бу борада хорижий тажриба ҳам камлиги боис тайёрланган қўлланма пишиқ-пухта бўлиши борасида семинар иштирокчилари ўз таклифларини билдирди.

Қизғин баҳс-мунозара руҳида ўтган тадбирда депутатлар ва тадбир иштирокчилари тақдим этилган қўлланмани янада маромига етказиш, бу борада ишчи гуруҳни шакллантириш таклифини маъқулладилар.

Ишчи гуруҳга қўлланмани янада такомиллаштириш ва унинг якуний шаклини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қисқа муддатларда тақдим этиш вазифаси юклатилди.

Тадбирда кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Сенати

ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР АҲОЛИНИНГ ҲАЁТДАН РОЗИЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Дунё бўйлаб тарқалган коронавирус пандемияси тиббиёт соҳаси ва шифокорларнинг инсоният ҳаётидаги ўрни ҳамда аҳамияти нақадар муҳим эканлигини ҳар қачонгидан ҳам яққол намоён этди.

Бугун улар ўз ҳаётини хатарга қўйиб бўлса-да, ҳар куни, ҳар соатда минглаб, миллионлаб одамлар соғлиғини тиклаш, ҳаётини асраб қолиш учун курашмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли бўйруғига мувофиқ хусусий тиббиёт ташкилотларининг коронавирусга чалинган беморларни даволаш билан боғлиқ фаолияти бўйича қатъий чоралар кўриш, шу жумладан, уларнинг лицензияларини бекор қилиш юзасидан судларга даъво аризалари киритилишининг белгиланиши ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

Маълум қилинишича, тез тиббий ёрдам машинаси келмагани, тақдим этилган телефон рақамлари эса жавоб бермагани боис, яъни оғир аҳволдаги беморларга зудлик билан ёрдам кўрсатиш зарур бўлгани учун улар хусусий клиникаларга олиб борилган ва у ерда уларнинг мушкули осон бўлган. Ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг фикрича, энди тажриба орттирилиб, янги даволаш стандартлари қабул қилиниб, вазият анча енгиллашганда, айбнинг хусусий клиникаларга ағдарилиши қанчалик тўғри бўлади?

"Юксалиш" умуммиллий ҳаракати марказида Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган "Хусусий клиникалар лицензияларини бекор қилиш муаммога ечимми?" мавзуидаги давра суҳбатида бу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Унда Сенат аъзолари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари, хусусий тиббиёт муассасалари вакиллари иштирок этди.

Халқимизда "Эл бошига иш тушганда бефарқ қараб бўлмайди", деган ибора бор. Буни хусусий клиника шифокорлари ҳам ўз фаолиятида намоён этмоқда. Улар ҳам коронавирус пандемиясига чалинганларни соғайтириш учун ҳамкасбларига яқиндан ёрдам бермоқда. Албатта, бундай амалиётларга юқори малакали мутахассислар зарур. Аммо хусусий тиббиёт марказларида ҳам ана шундай малакали шифокорлар мавжуд. Улар орасида ўз йўналишлари бўйича хорижда малака ошириб қайтганлари ҳам бор.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан нодавлат тиббиёт ташкилотларига коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга истисно тариқасида 2020 йил 1 сентябрга қадар тиббий хизмат кўрсатишга рухсат берилган. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Жамоатчилик билан алоқалар бўлими маълумотига кўра, пойтахтдаги фақат 7 та хусусий клиника тегишли тартибда шартнома имзолаган.

3

ЙЎЛИ ОЧИҚНИНГ БАХТИ ОЧИҚ

СЎХ ТУМАНИ АҲОЛИСИ ЯРАТИБ БЕРИЛАЁТГАН УЛКАН ИМКОНИЯТЛАРДАН БЕҲАД МАМНУН.

Президентимиз деярли ҳар бир чиқишида, жойлардаги учрашувларда аҳоли учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш масаласига тўхталиб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берар экан, ҳар бир ислоҳот замирида инсон манфаатлари турганини, амалга ошириладиган янгиланишлар одамларнинг ҳаётдан рози ҳамда мамнун бўлиб яшашига эришиш нуқтаи назаридан муҳимлигини алоҳида таъкидлайди. Ва мана шундай оқилона ёндашув туфайли ҳам ҳудудлар тобора чирой очиб, хонадонларга қувонч кириб боряпти. Мавжуд муаммоларга ечим топилмоқда.

Эътибор

Фарғона вилоятининг Сўх туманида ҳам ҳал этилиши лозим бўлган қатор масалалар тўпланиб қолганди. Шу боис давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан, мамлакатимиз Ҳукумати аъзолари уларни жойига келиб ўрганди. Аввало, ишчи гуруҳлари тузилди. Тумандаги 27 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги асл ҳолатга ойдинлик киритилди. Нима кам, қандай инфратузилма керак — ҳаммаси аниқлаштириб олинди. Режалар тузилиб, муаммоларни тезкор ечишга дарҳол киришилди.

Жумладан, 20 километрдан зиёд ичимлик суви, 79 километр электр узатиш тармоқлари, 71 километрдан ортиқ оптик толали алоқа кабеллари тортилди. 5 та мобиль алоқа база станцияси ўрнатилди. Шунингдек, сўхлик битирувчиларга олий таълим муассасаларига кириш учун 500 та давлат гранти квотаси ажратилди.

Келажакда аҳолини обиҳаёт билан таъминлаш ҳолатини янада яхшилаш мақсадида 30 та ичимлик суви иншооти қуриш ва реконструкция қилиш, 7 та сув ҳавзаси барпо этиш, яқин ойлар ичида ичимлик суви тармоқлари ҳажмини 274 километрга етказиш кўзда тутилган. Умуман, бу борадаги муаммони ҳал этиш мақсадида ажратилган 108 миллиард сўм маблағ эвазига 59 минг аҳолининг зилол обиҳаётдан баҳраманд бўлишига эришилади.

Туманда аҳолини табиий газ билан таъминлаш сифатини янада яхшилаш йўлидаги ҳаракатлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Хонадонларга замонавий электрон газ ҳисоблагичлар ўрнатиш ҳамда автоматлаштирилган тизимга улаш ишлари давом этяпти. Аҳолига суюлтирилган газни ўз вақтида узлуксиз етказиб бериш масаласи ҳам ҳамиша диққат марказида.

4

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2020 йил 14 август

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

«Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2) **14-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишга жойлаштириш соҳасидаги ахборот ва маслаҳат хизматларини хусусий бандлик агентликлари ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида кўрсатади. Ишга жойлаштириш соҳасида хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар асосида хусусий бандлик агентликлари ишга жойлаштириш соҳасида тақдим этадиган ахборот ва маслаҳат хизматларининг қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридан ошмаслиги керак»;

3) **15-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Хусусий бандлик агентлиги томонидан хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «labor-migration» ахборот тизимида реал вақт режимида рўйхатдан ўтказилади»;

4) қуйидаги мазмундаги **15¹-модда** билан тўлдирилсин:

«**15¹-модда. Хусусий бандлик агентлигининг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича чет эллик иш берувчи ва (ёки) чет эллик шерик билан ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома**

Хусусий бандлик агентлиги Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш учун чет эллик иш берувчи ва (ёки) чет эллик шерик билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузади.

Хусусий бандлик агентлигининг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича чет эллик иш берувчи ва (ёки) чет эллик шерик билан ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда тузилади ҳамда қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш шартларини (касб ёки мутахассислик тури, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори, ажратилган квоталар сони, иш вақтининг давомийлиги, иш жойигача ва иш жойидан транспортда ташиш, ишидан махрум бўлган тақдирда ижтимоий ҳимоя қилиш, санитария-гигиена тадбирларини ҳамда тиббиётга оид бошқа тадбирларни ташкил этиш, меҳнат ва дам олишни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги юзага келган тақдирда компенсация олиш тартиби ва бошқа шартлар);

тарафларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини;

шартноманинг муддатларини, уни ўзгартириш ва бекор қилиш тартибини, шунингдек унинг бошқа шартларини.

Хусусий бандлик агентлигининг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича чет эллик иш берувчи ва (ёки) чет эллик шерик билан ҳамкорлиги тўғрисидаги шартноманинг матни хусусий бандлик агентлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

Хусусий бандлик агентлигининг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича чет эллик иш берувчи ва (ёки) чет эллик шерик билан ҳамкорлиги тўғрисидаги шартномани тузмасдан, хусусий бандлик агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш тақиқланади»;

5) **17-модданинг саккизинчи**, **тўққизинчи** ва **ўнинчи хатбошилари** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи – ўн биринчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг сўровига кўра ўз фаолияти ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши;

хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «labor-migration» ахборот тизимида реал вақт режимида рўйхатдан ўтказиши;

хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги бажарилган шартномаларга оид архив материалларини шакллантириши ва сақлаши;

хусусий бандлик агентлиги тўғрисидаги, шунингдек унинг филиаллари ва (ёки) ваколатхоналари ҳақидаги маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигини етти иш куни ичида хабардор қилиши шарт»;

6) **20-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Хусусий бандлик агентликлари томонидан қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хусусий бандлик агентликлари фаолиятининг текширувларини (молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмасдан) ўтказиш ҳуқуқига эга. Бунда текширувлар Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилиш тартибида ўтказилади. Хусусий бандлик агентликлари фаолиятини текшириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг мансабдор шахслари ўз ваколатлари доирасида:

хусусий бандлик агентликларининг ҳудудлари ва биноларига монеликсиз кириш;

текширувга тааллуқли барча зарур ҳужжатлар билан танишиб чиқиш;

хусусий бандлик агентликларининг мансабдор шахсларидан текширув ўтказиш чоғида аниқланган қоидабузарликлар фактлари юзасидан ёзма тушунтиришлар, шунингдек ҳужжатларнинг зарур бўлган, тегишли равишда тасдиқланган кўчирма нусхаларини олиш ҳуқуқига эга»;

7) **23-модда учинчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги** «эллик минг АҚШ доллари» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз минг беш юз баравари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 август
№ ЎРҚ—632

ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ҲИМОЯЛАНАДИ

1

Давлат томонидан уларнинг чуқур билим олиши ва касб эгаллаши учун кенг шароит яратилаётир, ёшларнинг барча жабҳада фаоллик кўрсатишлари, ўз фикрларини билдиришлари учун имконият бериляпти.

Мен келгусида ёшлар имкониятларини янада кенгайтириш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида шерикликни кенгайтириш тарафдориман.

Жанни БУКИККИО, Қонун орқали демократия учун Европа комиссияси (Европа кенгашининг Венеция комиссияси) президенти:

— Самарқанд форумига таклиф этгани учун Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига миннатдорлик билдираман. Афсуски, бу анжуманни алоҳида бир чекланган шароитда ўтказишимизга тўғри келди. Коронавирус пандемияси гўзал Самарқанд шаҳрига боришимизга халал берди. Аммо бу жараён анжуманнинг мазмун-моҳиятига таъсир қилмади.

Ҳозирги пандемия шароитида бундай нуфузли форумнинг ўтказилиши нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон тажрибасида ҳам катта янгилик. Унинг илк бор онлайн тарзда, ёшларга мос ахборот технологияларини қўллаган ҳолда ўтказилганлигининг ўзи ҳам эътиборга молик жиҳат.

Жорий йилда биз БМТнинг 75 йиллигини нишонлаймиз. Шу боис ҳам Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми “БМТ 75 ёшда: келажакка нигоҳ” дастури доирасида бевосита ёшлар ҳуқуқларининг ҳимояси масаласига бағишланди.

Ёшлар ҳуқуқлари ҳамда барқарор ривожланиш мақсадлари орасидаги боғлиқлик, ёшларнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги билими ва ҳуқуқий онгини ошириш, 2030 йилгача янада хавфсизроқ келажакни қуриш, тинчлик ҳамда осойишталикни таъминлашда ёшларнинг роли ва ўрнини кучайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Бунинг, ўз навбатида, дунё мамлакатларининг келгуси ривожидаги аҳамияти жуда катта, деб ўйлайман.

Сабина АЛИЕВА, Озарбайжон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман):

— Ҳозирги кунда ёшларнинг қарор қабул қилишда иштирок этиши катта аҳамиятга эга жараён. Бу масала жамият учун ҳам жуда муҳим. Ёшлар сиёсатининг асосий йўналишлари уларнинг маданий ривожланиши, ўзини “реализация” қилиши, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишда қатнашиши ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан белгиланади.

Кейинги йилларда Озарбайжон ёшлари ҳукумат даражасидаги қарор қабул қилиш жараёнида муҳим роль ўйнаётгани давлат сиёсати мезонига айланган. Бизда 2000-2021 йилларга мўлжалланган Озарбайжон ёшлари миллий дастури қабул қилинган.

Самарқанд форуми ҳақиқатда ёшлар масалаларига оид жуда кўплаб халқаро давлатлар ташкилотлари вакилларини бирлаштирди. Бунинг аҳамиятини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Барчамизга маълумки, инсон ҳуқуқлари тинчлик ҳамда бирдамлик билан боғлиқ тушунчалар. Тинчликсиз ривожланиш, ривожланиш эса тинчликсиз бўлмайди. Ва албатта, инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ғоят муҳим.

Шу маънода, ёшлар ҳуқуқларини тўла таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган конвенция Озарбайжон ҳамда Ўзбекистон, умуман, бутун дунё ёшлари ҳаётида алоҳида ўрин тутишига ишонаман. Самарқанд форуми ана шундай жуда муҳим ҳужжат муҳокама қилинган тадбир сифатида тарихдан мустаҳкам ўрин эгаллайди.

Жамила НУРЖАНОВА, U Report Ёшлар инновацион лойиҳаларининг Ўзбекистондаги раҳбари UNICEF:

— Бизнинг лойиҳамиз Ўзбекистонда иш бошлаганига бир йилдан ошди. Асосий мақсадимиз — ёшларни турли ижтимоий муҳим масалаларга жалб этиш ва уларнинг фикрларини ўрганиш, кейинчалик уларни умумлаштириб, Ҳукуматга етказишдан иборат.

Ташкилотимиз таклиф этилаётган конвенция юзасидан ўн бир минг респондент, яъни ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганди. Фикр билдирганларнинг 37 фоизи қизлардан иборат.

Дастлабки, яъни “Ўзбекистонга Ёшлар тўғрисидаги конвенция керакми?” деган саволимизга уларнинг 81 фоизи ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлашини билдирди. Шу билан бирга, мазкур ҳужжат улар учун жуда муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлашган. Аксарият респондентлар конвенциянинг ёшларга оид барча масалани қамраб олувчи универсал ва мукаммал ҳужжат бўлишини кутаётганини ҳам билдирган.

Яна бир саволимиз ёшлар сиёсатининг ижрочилари кимлар бўлиши кераклиги билан боғлиқ эди. Бунга иштирокчиларнинг кўпчилиги ёшларнинг ўзи бўлиши кераклигини таъкидлаган. Айрим жавоб вариантларида эса айнан парламент ёшлар сиёсатининг энг муҳим механизми бўлиши лозимлиги айтилган.

Умумий хулосалар, мамлакат ёшлари мазкур ҳужжатни катта қизиқиш ва хайрихоҳлик билан кутаётганини кўрсатади.

Жамшид БОБОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси:

— Ёшлар масаласи бутун дунё учун глобал аҳамиятга эга. Шу боис бу соҳадаги қонун ҳужжатлари қабул қилинишига ҳам изчил ёндашув билан қараш талаб этилади. Қувонарлиси, ҳали жаҳон ҳамжамиятида кузатилмаган ҳодиса, яъни халқаро миқёсдаги қонун ҳужжатлари лойиҳаси муҳокамасида ёшларнинг иштироки ва фикрларининг эшитуви ташкил этилмаган эди.

Самарқанд форумида ёшларнинг кўплаб таклиф ҳамда фикрлари тингланди. Масалан, ўзим ҳам ушбу форумда Ёшлар ҳуқуқларига оид халқаро конвенция лойиҳасига таклифим билан иштирок этдим. Унинг мазмуни шундан иборатки, бугунги COVID-19 касаллиги шиддат билан тарқалиб бораётган бир даврда, ёшларнинг гигиена қоидаларига амал қилиши, улар учун зарур тиббий хизматлардан вақтида фойдаланиш, жаҳон мамлакатлари ёшларининг озиқланиши, ҳомиладор аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ёшлар орасида турли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида ушбу халқаро конвенцияга соғлиқни муҳофаза қилиш мазмунидаги янги модда киритилиши керак, деб ҳисоблайман.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентининг ҳудудлардаги 250 нафар депутати ҳам ўзларининг аҳамиятли ва кенг қамровли таклифлари билан иштирок этди. Масъул халқаро вакиллар томонидан ўтказилган турли сўровномаларга кўра, ушбу халқаро конвенцияни қабул қилишни дунё ёшларининг 81 фоизи ёқлаб овоз бергани бу каби ҳужжат улар ҳаётида зарурлигини намоён этади.

Шоҳруҳ ЖЎРАҚУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси:

— Форум Самарқандниг мезбонлиги остида ўтказилгани, унинг иштирокчиларига давлатимиз раҳбарининг йўллаган табриги ҳар бир ёшга ғурур бағишлайди. Анжуман яна шу билан аҳамиятлики, унда давлат ва жамоат арбоблари, нафақат Ватанида, балки дунёда тинчлик, барқарорлик ҳамда тараққиёт бўлиши учун халқаро ташкилотларда ишлаб, хизмат қилаётган инсонлар билан ҳамсуҳбат бўлдик, фикр алмашдик.

Мавзу ҳам долзарб. Ёшлар нафақат эртанги кунимизнинг, балки бугунги шиддатли рақамли технологиялар ривожланаётган бир пайтнинг ўзидаёқ муҳим қатламга айланиб улгурмоқда. Уларнинг хоҳиш-истакларини тинглаш, фикри билан қизиқиш орқали ёшларнинг бугунимиз ва келажак ҳақидаги тасаввури, қандай режани олдига қўйиб яшаётганини билиш мумкин.

Жаҳон бўйлаб тарқалган пандемия ёшларнинг асосий фаолиятига жиддий таъсир кўрсатди. Хусусан, таълим ва меҳнат бозори пандемиянинг “нишони”га айланди. Бу каби ҳолатларда ёшларнинг моддий ҳамда маънавий эҳтиёжларини қондириш, аввало, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла-тўкис таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис бугун дунёнинг барча томонидан ёшлар овозининг янграши, бир масалани турли ёндашувга асосланиб баҳолаш, таклиф бериш ҳамда ёшлар ҳуқуқлари юзасидан қатор саволларга бир ёқадан бош чиқариб ечим излаш мақсадга мувофиқ. Форумда муҳокама этилган ҳужжат айнан шунга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

«Халқ сўзи».

АКАДЕМИК ТЕЛЬМАН РАЖАБОВ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради.

Материалшунослик физикаси, илмий асбобсозлик ва микроэлектронлар техникаси соҳасидаги таниқли олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Тельман Ражабов шу йил 12 августда 85 ёшида вафот этди.

Т. Ражабов 1935 йил 15 августда Самарқанд шаҳрида туғилди. 1959 йили Н. Бауман номидаги Москва техника университетини тугатиб, кейинчалик мазкур университет аспирантурасида таҳсил олди. 1966 йили номзодлик, 1980 йили докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илм-фан соҳасидаги кўп йиллик хизматлари учун 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Ўз меҳнат фаолиятини 1959 йилда Фанлар академияси Физика-техника институтида кичик илмий ходим сифатида бошлаган истеъдодли олим қарийб 60 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Фанлар академияси Электроника институти лаборатория мудири, Марказий илмий асбобсозлик конструкторлик ва технологик бюроси директори, Тошкент электротехника алоқаси институти ректори, Марказий Осиё телекоммуникация ўқув маркази директори, Тошкент электротехника алоқаси институтининг кафедра мудири лавозимларида самарали меҳнат қилиб, Ўзбекистонда илм-фан ва таълим соҳаларини ривожлантириш ҳамда юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди.

Тельман Ражабов мамлакатимизда физикавий материалшунослик ва микроэлектроникани илмий асбобсозликда қўллаш илмий йўналишининг асосчиси сифатида танилди. Ушбу соҳанинг долзарб илмий ва амалий масалаларига бағишланган кўплаб мақола ва тадқиқотлари, монография ва рисолалари юртимиз ва чет эл илмий жамоатчилигининг эътирофига сазовор бўлди.

Жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга сабоқ берган илм-фан фидойисининг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланган.

Академик Т. Ражабовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотланган эди.

Таниқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Тельман Ражабовнинг ёркин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ

ИМОМ МОТУРИДИЙ ВА УНИНГ ИЗДОШЛАРИ МЕРОСИНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШ

МИЛЛИЙ, ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ ҲАМДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ТАШАББУСДИР

1

Зоҳиджон ИСЛОМОВ, Ўзбекистон халқаро ислом академияси проректори:

— Абу Мансур Мотуридий нафақат Марказий Осиёда, балки бутун ислом оламида ўз муносиб ўрнига эга бўлган диний арбоблардан ҳисобланади. Бу буюк имом ҳадис ва фиқҳ илмининг равнақига улкан ҳисса қўшган. Имом Мотуридий ислом динининг асл моҳиятини очиб бериш, соф исломий ақидани сақлаб қолиш борасида беқиёс ишларни амалга оширган.

Президент қарорида мотуридийшунослик бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиши режалаштирилган.

Хусусан, Абу Мансур Мотуридий илмий меросининг изоҳли, тушунарли ўзбек тилидаги таржималарини чоп этиш, бу борада тадқиқотларни амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тасдиқланган, рўйхатга киритилган Абу Мансур Мотуридий журналини таъсис этиш, бу журналда айнан ўзбекистонлик ҳамда хорижлик олимларнинг мотуридийлик таълимотига бағишланган мақолаларини чоп этиш назарда тутилган. Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг очилиши марказ ходимлари олдига катта вазифаларни қўяди.

Имом Мотуридий қаламига мансуб бўлган йирик диний асарлар дунё фондларида сақланмоқда. Хусусан, унинг “Китобут-тавҳид”, “Таъвилот аҳли ас-сунна” асарлари ҳозирги кунда илмий тадқиқ этилиш жараёнида.

Ушбу қарор буюк аждодимиз илмий меросини тўлақонли, мукаммал ўрганиш имконини яратади.

Шоазим МИНОВАРОВ, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори:

— Шу йил март ойида Самарқанд шаҳрида аллома таълимоти, унинг меросини тарғиб қилишга бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманда қатнашган дунёнинг нуфузли олимлари, ислом намояндалари мотуридийлик таълимотининг соф ислом ғоялари тарғиботи йўлидаги аҳамиятини алоҳида эътироф этган эди. Қолаверса, бу анжуман унинг таълимотига халқаро миқёсда катта қизиқиш борлигини намоён қилди.

Қарор билан Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш бўйича Васийлик кенгашининг таркиби ҳамда 2020 — 2024 йилларда Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимотини ўрганишни қўллаб-қувватлаш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланиб, қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, бу борада тадқиқотлар олиб борувчи хориж ва юртимиз олимларининг маълумотлар базасини шакллантиришдан тортиб, уларнинг ўзаро малака ҳамда тажриба алмашиши, конференцияларда қатнашишини таъминлаш, мазкур йўналишдаги веб-сайтни ишга тушириш каби вазифалар ўрин олди.

“Йўл харитаси”ни бажаришда, ижро этишда халқаро миқёсда олимлар, мутахассисларни жалб қилиш назарда тутилмоқда.

«Халқ сўзи».

АҚШнинг махсус топшириқлар бўйича элчиси Ўзбекистонда диний эркинликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни юқори баҳолади

Ўзбекистоннинг Америка Қўшма Штатларидаги элчиси Жавлон Ваҳобов АҚШнинг диний эркинлик масалалари бўйича махсус элчиси Сэм Браунбэк билан музокаралар ўтказди. Мулоқотда мамлакатимизда диний эркинликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Эътироф

Дипломатик ваколатхонамиз хабарига кўра, АҚШ Давлат департаменти вакили мамлакатимизда диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш тартибини соддалаштириш мақсадида қонунчиликни такомиллаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни, шунингдек, халқаро экспертлар билан биргаликда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳаракатларини олқишлади.

Элчи Сэм Браунбэк, ўз навбатида, Қурбон ҳайити арафасида Ички ишлар вазирлигининг барча учун диний эркинликни таъминлашга содиқлиги тўғрисидаги баёнотини юқори баҳолади.

— Ўзбекистон томонидан ташланаётган ижобий қадамлар, хусусан, болалар қариндошлари билан масжидга бориши мумкинлиги ҳақидаги оммавий эълонни эшитганимдан жуда мамнунман, — деди С. Браунбэк. — Биз келгуси одимлар, жумладан, диний эркинлик ва диний сабабларга кўра озодликдан маҳрум этилганларни озод қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳасининг қайта кўриб чиқилишини кутяпмиз.

Маълумки, диний эркинликлар бўйича навбатдаги вазирлар конференцияси 16 ноябрь куни Польша пойтахти Варшавада ўтказилиши режалаштирилган. АҚШнинг диний эркинлик масалалари бўйича махсус элчиси Сэм Браунбэк Ўзбекистон делегациясининг ана шу халқаро анжуманда иштирок этишига ҳамда “диний эркинликни очиқ ва инклюзив жамиятда тарғиб қилиш модели” намойиш қилинишига умид билдирди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон делегацияси ташқи ишлар вазири даражасида 2018 ва 2019 йилларда Вашингтонда бўлиб ўтган иккита конференцияда қатнашган.

2018 йилда АҚШ Давлат департаменти Ўзбекистонни “диний эркинликлар билан боғлиқ алоҳида хавотирли давлатлар” рўйхатидан чиқарди. Жорий йилнинг июнь ойида диний эркинлик тўғрисидаги навбатдаги маърузани эълон қилиш пайтида АҚШ Давлат котиби Майкл Помпео Ўзбекистонни ривожланиб бораётган давлатлар қаторида алоҳида қайд этиб, бу мамлакат “диний эркинликлар билан боғлиқ вазиятни яхшилаш учун жиддий қадамлар қўйган ва бу қадамлар давом этмоқда”, дея таъкидлади.

Шавкат ОРТИҚОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

ФРАКЦИЯЛАР СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ЎЗ НУҚТАИ НАЗАРИНИ БИЛДИРДИ

Бу ҳафта ҳам мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид муҳим воқеалар билан қизғин ўтмоқда. Президентимиз иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларнинг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида видеоселектор йиғилиши ўтказди, ҳозирги мураккаб вазият — пандемия шароитида аҳолини янада қўллаб-қувватлашга оид муҳим ҳужжатларга имзо чекди. 12 август — Халқаро ёшлар куни муносабати билан "Ёшлар 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари" мавзуида Самарқанд форуми ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция лойиҳаси кенг муҳокама қилинди.

Ҳафта давомидаги тезкор жараёнларнинг аҳамияти хусусида сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари масъуллари ўз нуқтаи назарини баён қилдилар.

Акс садо

ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ФРАКЦИЯМИЗ АЪЗОЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ МУҲИМ

Актам ҲАИТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари:

— Куни кеча ҳудудларда саноатни ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида давлатимиз раҳбари карантин талабларини босқичма-босқич юмшатиш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Ушбу мурожаат парламент қуйи палатасидаги партиямиз фракцияси аъзолари, шунингдек, ЎзЛиДеП электорати бўлган юз минглаб тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерлар ва томорқачилар, фаолларга, айтиш мумкинки, жуда катта руҳий далда, кўмак бўлди.

Негаки, мазкур йиғилишда жорий йил 15 августдан бошлаб автотранспорт воситаларининг кун давомида юриши, маҳаллий авиа ва темир йўл қатнови учун рухсат берилди. Шу билан бирга, санаторийлар, меҳмонхоналар, музейлар, болалар оромгоҳлари, дала-ҳовлилар ижараси, гўзаллик салонлари, сартарошхоналар, очиқ ҳавода хизмат кўрсатадиган умумий овқатланиш объектлари фаолияти ҳам тикланади.

Президентимиз таъкидлаганидек, одамларнинг даромадини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, инвестициялар жалб қилиш саноат ривожи билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли жойларда тадбиркор ва фермерлар билан бўлиб ўтган мулоқотлар давомида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилаётган вазифалар аҳамиятини уларга тушунтиряпмиз, бизнес тузилмаларига қўлланилаётган имтиёз ва преференциялар ҳақида маълумотлар беряпмиз.

Видеоселектор йиғилишида юртимизда карантин талаблари юмшатилаётган бўлса-да, лекин фуқароларимиз ижтимоий масофани сақлаб, тиббий ниқоб тақиб, дезинфекция ва бошқа санитария-гигиена талабларига сўзсиз амал қилган ҳолда, темир интизом, сабр-тоқат билан бу синовларни енгиб ўтиш кераклиги таъкидландики, бу, биз депутатларга, умуман, ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари зиммасига катта масъулият юклайди.

Ушбу чора-тадбирлардан кўзланган мақсад битта — иш ўринларини сақлаб қолиш ва янгиларини яратиш. Шу боис вазифалар ижросини таъминлашда фракциямиз аъзоларининг иштироки жуда муҳимдир.

КАРАНТИННИНГ ЮМШАТИЛИШИ ЭНДИ ХОҲЛАГАН ИШНИ ҚИЛИШ МУМКИН, ДЕГАНИ ЭМАС

Алишер ҚОДИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, "Миллий тикланиш" ДП фракцияси раҳбари:

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси давлатимиз раҳбарининг карантин талабларини босқичма-босқич юмшатиш борасидаги оқилона таклифларини қўллаб-қувватлаган ҳолда қуйидаги оддий тартиб-қоидалар одамларнинг кундалик яшаш тарзининг ажралмас қисмига айланиши лозим, деб ҳисоблайди.

Биринчидан, мамлакатимизда карантин чоралари қайта жорий қилиниб, ҳукуматимиз томонидан халқимизни коронавирусдан асраш, касалларни тезроқ соғайтириш бўйича бор имкониятлар ишга солинди ва бу ўзининг ижобий натижаларини кўрсатяпти. Аммо энди барчани бирдек карантинда сақлаб бўлмайди. Одамлар тирикчилик қилиши, қийналган оилалар оёққа туриб олиши лозим.

Шу боис коронавирус таҳдиди ҳамон пасаймаган бўлса-да, мамлакатимизда карантин талаблари юмшатилмоқда. Аммо бу энди билган ишни қилиш, масъулиятсизликка берилиш дегани эмас.

Карантин даврида аҳолини давлатнинг ўзи қатъий назоратга олган бўлса, энди одамларнинг ўзларига шахсий масъулият юкланяпти. Яъни пандемияга қарши кураш усулимизни ўзгартирган ҳолда, ўзимиз, яқинларимиз соғлиғини ўйласак, уйда, кўча-кўйда ва ишда белгиланган масофани сақлаган ҳолда тиббий ниқоб тақиш, озодаликка риоя қилишни янада кучайтиришимиз лозим. Бу вирус ҳаётимиздан бутунлай йўқ бўлиб кетмагунча шундай шароитда яшашга, ишлашга мажбурмиз. Содда қилиб айтганда, ўзимизнинг соғлиғимизни ўзимиз асрашимиз зарур.

Иккинчидан, маълумки, вирусга, асосан, иммунитети заиф бўлган шахслар чалинмоқда. Қандли диабет, юрак-қон томири каби инсон турмуш тарзининг интизомсизлиги билан боғлиқ касаллиги бор одамлар орасида эса ўлим ҳолатлари кўп кузатиляпти. Хўш, бу касалликлар қаердан пайдо бўляпти?

Албатта, бу хасталиклар, асосан, носоғлом ҳаёт кечириш — тўғри овқатланмаслик, жисмоний фаол бўлмаганимиз ортидан келиб чиқяпти.

Энди эрталаб тонг саҳарда 10 — 15 дақиқа организмни уйғотувчи машқларни бажаришимиз, белгиланган вақтда тез-тез ва кам-камдан овқатланиш, таомланганда ҳам ҳаддан зиёд ёғли овқатларни ёки тўйиб емаслик, витаминга бой ҳамда ҳар хил мевалардан кўпроқ истеъмол қилишга одатланиш, ухлашдан 2-3 соат олдин овқатланмаслик каби оддий талабларга амал қилишимиз лозим.

Агар юқорида кўрсатиб ўтилган ҳаётий қоидаларга кундалик турмушимизда қатъий амал қилсак, нафақат коронавирусдан узоқ бўламиз, балки ўзимизни бошқа хасталиклардан ҳам ишончли ҳимоялаган бўламиз.

КОНВЕНЦИЯ ЛОЙИҲАСИДА НАВҚИРОН АВЛОД ҲУҚУҚЛАРИ АКС ЭТГАН

Қодир ЖЎРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси раҳбари ўринбосари:

— Ўзбекистон томонидан Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция лойиҳасининг ишлаб чиқилганлиги ва Самарқанд форуми иштирокчилари муҳокамасига тақдим этилганлиги мамлакатимиз ўз ташаббусларини нафақат сўзда, балки аниқ амалий саъй-ҳаракатларда ифодалашга ҳаракат қилаётганидан далолат беради.

Ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенция лойиҳасида навқирон авлоднинг замонавий дунёда эътироф этилиши зарур бўлган ҳуқуқлари ўз аксини топган. Албатта, ушбу соҳада халқаро ҳужжатнинг мавжудлиги дунё миқёсида давлатларнинг ёшлар масалаларига эътиборини кучайтиради ва ёшларнинг индивидуал ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга мақсадли ёрдам кўрсатади.

Конвенция лойиҳасини ишлаб чиқишда ёшлар ҳуқуқларига оид жаҳон тажрибаси кенг миқёсда ўрганилди. Жумладан, Самарқанд форуми энг йирик муҳокамалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев форум иштирокчиларига йўллаган табригида нафақат юртимизда, балки Ер юзида ёшларнинг шарт-шароитларини яхшилаш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ўрнини мустаҳкамлаш лозимлигига урғу қаратиб, бу Ер юзида тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлашнинг бош омили эканлигини қайд этди.

Самарқанд форумида COVID-19 пандемияси ва у билан боғлиқ ҳозирги мураккаб шароитда аҳолининг аксарият қатламлари қатори ёшлар ҳам алоҳида ғамхўрлик ҳамда ҳимояга муҳтож эканлиги иштирокчилар томонидан қайта-қайта таъкидланди. Ҳақиқатан ҳам, коронавирус инфекциясининг тарқалиши ёшлар билан боғлиқ қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Жорий йилда Олий Мажлис қошида Ёшлар парламентининг таъсис этилганлиги, ёшлар ишлари бўйича ваколатли давлат органи сифатида алоҳида агентлик тузилганлиги ва Ёшлар масалалари бўйича идораларо кенгаш ташкил қилинганлиги айни муддао бўлиб, юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама ривожи сари қўйилган муҳим қадамдир. Ҳозирги вақтда "Ўзбекистон ёшлари — 2025" концепцияси ишлаб чиқилмоқда, ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолашнинг ягона мезонлари, ёшлар сиёсатини баҳолашнинг миллий индексини жорий этишни кўзлайдиган ҳуқуқий-норматив ҳужжат тайёрланиши кутилмоқда.

ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР АҲОЛИНИНГ ҲАЁТДАН РОЗИЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

1

— Юртимизда ҳам коронавирусга қарши кураш учун барча куч ва маблағлар эпидемия кенг тарқалишининг олдини олиш, вирус билан касалланганларни соғайтиришга қаратилган, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Иминов. — Ҳозирги вазият ҳар бир кишининг зиммасига катта масъулият юклайди. Айни пайтда энг оғир вазифа шифокорлар зиммасида эканлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Айнан уларнинг фидойилиги, таъбир жоиз бўлса, қаҳрамонлиги туфайли республикамизда санитария-эпидемиологик ҳолат барқарорлашиб бормоқда.

Ижтимоий тармоқларда хусусий тиббиётга нисбатан бўлаётган "ўгай" муносабатдан ранжиш, хусусан, "хусусий клиникаларда керакли асбоб-ускуналар, дори-дармон йўқ, улар нотўғри даволайди", деб камситилаётганлигидан таассуф билдирилиб, "давлат клиникаларида беморлар мутлақо тўғри даволаняптими? У ерларда керакли ҳамма нарса бормиди? Нега хусусий клиникаларга ҳам тавсиялар, қўлланмалар берилмади?" каби эътирозлар билдирилмоқда. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: соғлиқни сақлаш тизимида хусусий секторни янада ривожлантириш, хусусий тиббиёт муассасаларида аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш учун зарур шароитлар яратишга қанчалик эътибор қаратилмоқда? Боиси, қарорга кўра, мутасаддиларга нодавлат тиббиёт ташкилотлари тиббиёт ходимларига коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ҳамда уни даволашнинг замонавий ва самарали усулларини қўллаш юзасидан амалий қўникмаларни ўргатиш, уларнинг бино-иншоотларига дезинфекция воситалари билан тизимли равишда ишлов берилишини таъминлаш, бундай тадбирларни тўлиқ амалга ошириш учун етарли миқдорда дезинфекция воситалари захирасини яратиш чораларини кўриш топширилган эди. Давра суҳбатига ҳар иккала томон вакиллари ҳам таклиф этилган. Ижтимоий тармоқларда тўғри таъкидланаётганидек, инвесторлар томонидан юртимизда тиббиёт муассасалари қурилиб, замонавий тиббиёт технологиялари олиб келиниши, умуман, тизимга инвестициялар киритилиши соғлиқни сақлашнинг давлат ва хусусий тизимлари йиғиндисидан иборат ягона тизимнинг қай даражада тараққий этганига боғлиқ.

"Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасида мутасаддиларга соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимларини ривожлантиришни бир хилда рағбатлантирувчи шароитлар яратиш вазифаси юкланган. 7-моддасида эса мамлакатда соғлиқни сақлашнинг давлат ва хусусий тизимлари йиғиндисидан иборат ягона соғлиқни сақлаш тизими амал қилиши, шунингдек, хусусий тиббиёт муассасалари беморларга 20 фоизга қадар бепул тиббий хизмат кўрсатиши ва бу хизматлар бюджет ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланган.

Давра суҳбатида Сенат аъзолари мамлакатимизда пандемия оқибатида юзага келган мураккаб эпидемиологик ҳолатда мутасаддилар соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинини бирдек кўриб, бутун эътиборни вазиятни яхшилашга қаратиши лозимлигига урғу бердилар. Хусусий сектор ҳам бошқа тузилмалар қатори давлат лойиҳаларига таклиф этилиши, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш жараёнларига жалб қилиниши муҳимлиги қайд этилди. Шунингдек, бу борада таклиф ва тавсиялар билдирилди.

«Халқ сўзи».

ИШСИЗ ВА КАМБАҒАЛ ФУҚАРОЛАР ФАОЛЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари:

— Президентимизнинг "Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ушбу йўналишда кенг қамровли ҳужжат бўлди.

Ўйлаб кўрсак, ишсиз ҳамда камбағал фуқароларни қўллаб-қувватлашнинг энг самарали йўли уларнинг кўникмаларини ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий билимларини мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Қарорда бу йўналишда бир қатор долзарб вазифалар белгиланди. Хусусан, 2021 йил 1 январга қадар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда "Ишга марҳамат" мономарказлари, бир ой муддатда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, икки ой муддатда маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш масканлари ташкил этиладиган бўлди.

Бир неча йиллар давомида касб-ҳунарга ўқитиш бўйича давлат муассасаларига эътибор берилди. Лекин, тан олиш керак, бу борада нодавлат муассасаларига имкониятлар яратиш, уларни қўллаш жуда муҳим эди. Шунинг учун қарорда нодавлат касб-ҳунарга ўқитиш муассасаларини ташкил этаётган хусусий инвесторларга давлат ёрдами кўрсатилиши белгиланди.

Эндиликда "Ишга марҳамат" мономарказлари, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ва масканларининг бинолари ёки уларнинг бир қисми ҳамда маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиясига кўра бошқа бўш турган бинолар ёки уларнинг бир қисми оператив бошқарувга ёки узоқ муддатли имтиёзли ижарага берилади. Уларга ўқув дастури ва ўқитувчиларни мустақил танлаш ҳуқуқи тақдим этилади.

Меҳнат мигрантлари барқарор ишлаб кетиши, зарур кўникмаларини ривожлантириши — долзарб масала. Рақобатбардош ходим бўлиш учун бу жуда муҳим, албатта. Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари кўпчиликни ташкил этаётган Россия Федерациясининг қатор ҳудудларида фуқароларимизни касб-ҳунарга ва рус тилига ўқитишни ташкил этишга тайёргарлик кўрилиши ҳам белгиланди. Аҳамиятли жиҳати, ўқитиш харажатлари Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши назарда тутилди.

Қарорда яна кўплаб долзарб вазифалар белгиланди. Уларнинг сифатли бажарилиши эҳтиёжманд фуқаролар, яъни Халқ демократик партияси электорати вакиллари қўллаб-қувватланишига хизмат қилади.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА АМАЛ ҚИЛИШ ЗАРУР

Борий АЛИХОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Экологик партия фракцияси раҳбари:

— Куни кеча давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган йиғилишда Махсус комиссия хулосасига асосан юртимизда карантин талабларини юмшатиш масалалари кўриб чиқилди.

Эътироф этиш жоиз, охирги бир ой давомида барча ҳудудларда даволаш ўринлари ва нафас бериш аппаратлари сони бир неча баробар кўпайди, муолажа қилиш усуллари янгиланди ҳамда тез тиббий ёрдам хизмати кучайтирилди. Натижада мамлакатимиз бўйича коронавирусдан соғайиш кўрсаткичи 59 фоиздан 77 фоизга етди.

Шу ўринда "биз пандемия шароитида нималарга эришдик, қандай хато ва камчиликларга йўл қўйдик?" деган ҳақли савол юзага чиқади.

Хўш, биз пандемия шароитида ишлаш ва яшашга тайёрмизми? Бизни олдинда яна қандай синовлар кутмоқда? "Тождор" вирусининг мутацияга учраган, "янги авлод вакиллари" пайдо бўлмайдими? Кузқиш мавсумида аҳоли ўртасида турли ўзига хос мавсумий ва юқумли касалликлар авж олган шароитда соғлиқни сақлаш тизими вирусга қарши самарали туриб бера оладими? Худди шунга ўхшаш муаммолар жамиятимизнинг бошқа соҳаларида ҳам юзага келиш эҳтимоли бор, албатта.

Энг муҳими, шифокорлар ва мутахассисларнинг маслаҳатларига амал қилган ҳолда, шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя этиш, тиббий ниқоблардан фойдаланиш, ўз вақтида тўғри ва сифатли овқатланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, мунтазам равишда спорт билан шуғулланиш орқали соғлом иммунитетга эга бўлиш барчамизни коронавирус балосидан асрашини англамоғимиз лозим.

Албатта, бугунги кунда энг муҳим вазифа аҳоли ўртасида вирус "занжири"ни узиш эканлиги, шунингдек, касаллик юқтирилишининг олдини олиш, ўлим ҳолатларини кескин камайтириш мақсадида амалдаги карантин чекловларини тўғри англаган ҳолда "Коронавирус инсоният ақл-идрокидан устун эмас" ғоясини ҳаётимиз мезонига айлантирмоғимиз лозим.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси карантин талабларини юмшатиш бўйича қабул қилинган қарорларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, синовли ва оғир кунларда халқимизни коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича юмшатилган карантин ҳамда профилактик чора-тадбирлар талабларига сўзсиз риоя этишга, шунингдек, экологик дунёқараш, тиббий маданият ва соғлом турмуш тарзига амал қилишга чорлайди.

«Халқ сўзи».

Бандлик

Ишсиз ва банд бўлмаган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар кенгайтирилади

Сенатнинг яқинда бўлиб ўтган ялпи мажлисида бир қатор қонунлар сенаторлар томонидан маъқулланди. "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги қонун шулар жумласидан бўлиб, у иш берувчининг иқтисодий мустақиллиги тамойилини кучайтирувчи, қонунности ҳужжатларидаги нормаларни бевосита қонунда белгиловчи, бандликнинг замонавий ва самарали шакллари, шу жумладан, аутстаффинг каби фаолият турларини кенгайтириш ҳамда унинг мақомини белгилашни назарда тутувчи ҳужжатдир.

Қонунни ишлаб чиқиш зарурати бир неча объектив сабаблар билан боғлиқ. Аввало, амалдаги 1998 йилда қабул қилинган "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонун меҳнат бозорининг ҳозирги ҳолати ва воқеликни акс эттирмайди, қолаверса, меҳнат ҳамда бандлик соҳасидаги мавжуд муаммоларни ва долзарб масалаларни ҳал қилишга қаратилмаган. Шунингдек, сўнгги 20 йил ичида меҳнат бозорида жиддий ўзгаришлар рўй берди, хусусан, иш билан банд бўлганлар сони 1,5 баробар, иш берувчилар сони 4,5 баробар ортди.

Амалдаги қонунда меҳнат бозорини тартибга солишнинг янги воситалари, хусусан, тадбиркорликни рағбатлантириш, ўзини ўзи банд қилиш, шахсий томорқаларни ривожлантириш ва ишсизларни касб-ҳунарга ўқитиш, иш стажини ҳисобга олишда янги ахборот тизимларидан фойдаланиш кабилар акс эттирилмаган. Афсуски, амалдаги қонун тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳисобланмайди ҳамда замонавий шароитларда самарасиз бўлган эскирган норма ва қоидаларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам бандликни таъминлаш, ишсиз фуқароларни моддий ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнат бозори ва меҳнат миграцияси билан боғлиқ янги муносабатларни қонуний тартибга солиш зарурати туғилди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги қонун ишлаб чиқилди ва сенаторлар томонидан маъқулланди. Унда бандлик соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишнинг молиявий воситалари ҳисобланган молиявий институтлар, жумладан, Жамоат ишлари жамғармаси, Чет элда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқаролар ҳуқуқлари ва манфаатларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси каби жамғармалар фаолияти белгилаб берилди.

Қонунга алоҳида моддалар киритилиб, бандликни таъминлашда хусусий бандлик агентликлари иштироки, янги иш ўринларини ташкил этишни рағбатлантириш, жамоат ишлари, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари, микрокредитлаш дастурларини молиялаштириш тартиблари тизимлаштирилди.

Энг муҳими, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа тузилмалар билан бандлик соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, бандлик дастурларини шакллантириш, янги иш ўринларини яратишдаги ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, тўлдирилди ва кенгайтирилди.

Бундан ташқари, меҳнат органлари томонидан ишсиз шахслар ҳамда банд бўлмаган аҳолига кўрсатилаётган хизмат турлари кенгайтирилди ва ишсиз деб эътироф этиш, ишсизлик даврида ижтимоий кафолатлар ҳамда компенсация бериш тартиблари қайта кўриб чиқилди ва соддалаштирилди. Банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш, фаол иш қидираётган ишсизларга нафақа тайинлаш ва тўлаш шартлари батафсил, ҳаволаки нормаларсиз баён этилди.

Мухтасар айтганда, қонун бугунги кун меҳнат бозоридаги талаблар билан уйғун. Унда барча ҳудудлар манфаатлари бирдек инобатга олинган.

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзоси.

ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ ЭТИШ ФАОЛИЯТИГА ДОИР ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Яқинда матбуотда эълон қилинган давлатимиз раҳбарининг "Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" Фармонига мувофиқ, жиноятларни фош этиш фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор янгиликлар белгиланди. Ҳужжатда, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан фуқароларни қийнаш, уларга нисбатан шафқатсиз ва камситувчи муомалада бўлиш, ушланган шахснинг ҳуқуқларини поймол қилишнинг олдини олишга алоҳида урғу қаратилди. Айниқса, Фармонда бунга оид янги ҳуқуқий механизмлар назарда тутилгани эътиборлидир.

Мушоҳада

Жумладан, эндиликда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан ариза, тушунтириш ёки кўрсатувлар олишни мазкур жиноят иши юритувида бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан ва фақат ҳимоячи иштирокида амалга ошириш белгиланди. Яъни эндиликда мазкур жараёнларда ҳимоячилар иштирокининг мажбурийлиги белгиланди.

Бундан ташқари, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш муддатини у ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисоблаш, тегишли мансабдор шахс у билан боғлиқ суриштирув ҳамда тергов ҳаракатларини ўтказишдан олдин адвокат билан холи учрашувни таъминлаши шартлигига оид талаблар ҳам шулар жумласидандир. Бу эса мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг ёрқин далилидир.

Фармонга кўра, айбига иқрорлик бўйича келишув институтини жорий қилиш, ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича, шунингдек, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқилаётганда ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги кабилар ҳам белгиланди.

Аслини олганда, айбига иқрорлик бўйича келишув институти тушунчаси жуда ҳам кенг маънога эга ҳамда имконият деганидир. Унга кўра, айрим тоифадаги жиноятлар бўйича шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, шунингдек, келтирилган зарарни бартараф этган тақдирда унга нисбатан қонунда белгиланган энг кўп жазонинг ярмидан кўп бўлмаган миқдори ва (ёки) муддатигача жазо тайинланади. Бунда шахсга нисбатан тергов даврида эълон қилинган айблов, жиноят иши суднинг қайси инстанциясида кўрилаётганлигидан қатъи назар, ярашув институтини қўллаш тартиби ҳам жорий қилинмоқда.

Эндиликда ушбу тоифадаги жиноят ишлари соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилиб, фуқароларнинг ортиқча оворагарчилигининг олди олиниши кўзда тутилмоқда.

Ҳужжатга асосан, айбланувчининг яқин қариндошларини етарли асослар бўлмаганда сўроқ қилиш тақиқланади.

Яъни ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва сўроқ қилиш ман этилади.

Энг муҳими, ҳужжат билан айрим тоифа шахслар учун енгилликлар белгиланди. Яъни оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилмаслигига оид қоида вояга етмаганлар, I ва II гуруҳ ногиронлари, аёллар, 60 ёшдан ошган эркаклар ҳамда эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Фармон билан Ўзбекистон Бош прокуратураси Давлат хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда жиноят ишининг терговга тегишлилиги институтини янада такомиллаштириш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш топшириғи берилди.

Бунда Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган ҳолларда жиноят иши бир суриштирув ёки дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказилиши фақат Бош прокурор ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан амалга оширилиши мумкинлиги назарда тутилиши керак.

Мазкур Фармонга кўра, Тошкент шаҳар прокуратураси тергов бўлинмалари ва Ички ишлар бош бошқармаси тергов бошқармасининг фаолияти халқаро стандартлар ҳамда илғор хорижий тажрибага мувофиқ намунавий тарзда ташкил этилади.

Ушбу тергов бўлинмалари замонавий криминалистик ускуналар билан жиҳозланган автотранспорт воситалари, процессуал ҳаракатларни аудио ва видеога қайд этиш тизимлари ҳамда стенография қилиш ускуналари билан таъминланади. Тергов хоналари замонавий тарзда, халқаро стандартларга мослаштирилиб, шахсларнинг ҳимоячи билан холи учрашиши учун мўлжалланган ҳолда ташкил этилади.

Мазкур янги тартиб-таомилларнинг ҳар бири халқаро инсон ҳуқуқлари соҳасига оид умуминсоний нормалар билан ҳамоҳанг тарзда жорий қилинмоқда. Улар юртимизда инсон шаъни ва қадр-қимматини улуғлашга қаратилаётган эътиборнинг яққол далилидир.

Арзиқул СОАТОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ЙЎЛИ ОЧИҚНИНГ БАХТИ ОЧИҚ

СЎХ ТУМАНИ АҲОЛИСИ ЯРАТИБ БЕРИЛАЁТГАН УЛКАН ИМКОНИЯТЛАРДАН БЕҲАД МАМНУН.



1

Йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация тармоқларини такомиллаштириш ишлари ҳақида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин. Тупроқли йўлларга шағал, цемент-бетон қопламалари ётқизиш, асфальтлаш ишлари жадал олиб борилаётир.

— Президентимизнинг яқинда қабул қилинган “2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳудуд аҳолисига жуда катта мамнуният бағишлади, — дейди меҳнат фахрийси Ҳайдар ота Сафаров. — Унга мувофиқ, жисмоний шахслар ер солиғи ва мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилиши, якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи амалдаги қатъий белгиланган солиқ ставкасининг 50 фоизи миқдорида белгилангани, аҳолига янги уй-жой қуриш учун ипотека кредитлари ажратилиши, сўхликларга Фарғона вилоятининг Ёзёвон, Қўштепа, Бағдод, Риштон ҳамда Бувайда туманлари ҳудудида деҳқончилик қилиш учун экин ер майдони ва ипотека кредитлари асосида квартиралар берилиши, бу, жуда катта эътибор ҳамда ғамхўрлик ифодасидир. Ҳудудда тадбиркорлик ривожланса, албатта, иқтисодий имониятлар ошади, одамлар учун иш ўринлари кўпаяди. Бандлик таъминланса, рўзғорга ҳам барака киради. Ҳаммаси бир-бирига узвий боғлиқ. Олий таълим олган ёшлар сафи кенгайса, малакали кадрлар кўпаяди. Бу ҳам ҳудуд келажаги учун муҳим. Қисқаси, ҳамма саъй-ҳаракатлар эзгуликка қаратилган. Оилалар фаровонлигига йўналтирилган. Шу нуқтаи назардан давлатимиз раҳбари қарорини тарихий аҳамиятга эга ҳужжат дейиш мумкин.

Касбим шифокор, ёшим 85 дан ошган. Сўх “Саломатлик маркази” раҳбариман. Қаранг, Президентимиз қарорига кўра, Сўх туманида жойлашган тиббиёт муассасалари шифокорларининг лавозим маошларига соҳадаги иш стажининг биринчи 3 йили учун тариф ставкасига нисбатан 40 фоиз ва ҳар кейинги 2 йил учун тариф ставкасига нисбатан 15 фоиз миқдорида, устаманинг энг кўп миқдори 100 фоиз ўрнатилиши ҳам ажойиб хушхабар бўлди. Бу эл саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган сафдошларимнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади.

Таъкидлаш жоиз, йўл муаммоси ҳудуд учун йиллар давомида энг оғриқли масала бўлиб қолаётганди. Гап шундаки, жуғрофий жиҳатдан Қирғизистон ичида жойлашган анклав — Сўхнинг заҳматкаш аҳолиси чегарадан ўтиш машаққатини ўз бошидан кечирган. Шу боис улар Сўх — Риштон автомобиль йўлининг тикланишига доим умид қилиб келишарди. Бугунги ислоҳотлар узоқ йиллик армонларни ҳам рўёбга чиқараётгани билан янада қадрли.

Кекса ўқитувчи Субҳиддин ака Шарофиддиновнинг таъкидлашича, эндиликда Сўх — Риштон йўлида яна автобуслар қатнови амалга оширилади. Вилоят маркази билан кичик авиация қатнови йўлга қўйилишини эса сўхликлар хаёлига ҳам келтирмаганди. Чипта харид қилиш учун алоҳида чегирма, ногиронлиги бўлган, нуроний, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар учун ҳатто бепул! Сўхдан ҳавога кўтарилган самолёт ё вертолёт 20 дақиқада Фарғона халқаро аэропортига қўнади. Бунақаси ҳеч бир одамнинг етти ухлаб тушига кирмаган.

“Йўли очиқнинг бахти очиқ”, деган нақл бор. Энди Сўх аҳолиси бировнинг қошқовоғига қарамай, хоҳлаган манзилига зумда етиб олади. Ҳудудининг Ўзбекистон билан бир бутунлигини қалбан ҳис этади. Яратилган имтиёзлардан фойдаланишга, ҳаётдан рози бўлиб яшашга имкон топади.

Муҳаммад ШОДИЕВ («Халқ сўзи»).

АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

БУГУНГИ ИШ ТУТУМИМИЗГА, САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗГА БОҒЛИҚ

Табиатни асраш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш бугунги даврнинг энг муҳим ва долзарб масалаларидан ҳисобланади. Зотан, бу инсон саломатлиги, фаровон турмуш кафолатидир. Шу боис мамлакатимизда табиат ҳамда экология масалалари доимий эътиборда, бу борада кўплаб ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур жараёнда атроф-муҳитни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида чиқиндиларни йиғиш ҳамда қайта ишлаш бўйича ҳам изчил ишлар олиб борилмоқда. Бироқ олдинда бу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам талайгина.

Президентимиз раислигида яқинда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва хавфсизлигини ошириш, экологик осойишталикни таъминлаш, чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш бўйича ўтказилган йиғилишда ушбу масалалар кенг муҳокама этилди. Мутасаддилар зиммасига бир қатор вазифалар юклатилди.

Қуйида ушбу йиғилишда белгилаб берилган вазифалар ва уларнинг ижроси доирасида амалга ошириладиган ишлар ҳақида соҳа вакилларининг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

Мулоҳаза

Шавкатжон АБДУРАЗЗОҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси:

— Йиғилишда мамлакатимизда санитар тозалов тизимини такомиллаштириш масалаларига, яъни маиший ва қурилиш чиқиндиларини йиғиш, қайта ишлаш ҳамда утилизация қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз бу соҳага хусусий секторни жалб қилиб, давлат-хусусий шериклик асосида чиқиндиларни йиғиш, қайта ишлаш қамровларини кенгайтириш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Чиқиндиларни йиғиш, қайта ишлаш инвестиция учун энг жозибадор соҳалардан. Чунки дунё мамлакатларида хусусий инвесторлар бу соҳа имкониятларидан унумли фойдаланади. Лекин бизда ҳали ҳам имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётгани бор гап. Мана шу масалаларга эътибор қаратилиб, биринчи навбатда, давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда чиқиндини йиғиш ва қайта ишлаш кластерларини қўллаб-қувватлаш масалалари, шунингдек, қурилиш чиқиндиларини йиғиш ҳамда қайта ишлаш бўйича юртимизда янги тизим яратиш топшириғи берилди.

Бундан ташқари, экология соҳасини ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди. Жумладан, саноат, хизмат кўрсатиш ва бошқа корхоналар томонидан атмосферага зарарли моддаларни чиқариш бўйича ишлар назоратини ўрнатиш. Бутун дунёда мавжуд бўлган “Ифлослантирган тўлайди”, деган тамойил асосида юқори чиқинди чиқарувчи корхоналарга тўловларни жорий қилиш ва улардаги мавжуд ускуналарни экологик тоза ускуналарга алмаштириш бўйича вазифалар белгиланди.

Шунингдек, йиғилишда Президентимиз томонидан мамлакатимизда биохилма-хилликни асраш, ривожлантириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Бу йўналишда бугунги кунда республикамизда 2 миллион гектар муҳофаза этиладиган ҳудудлар, яъни қўриқхона, миллий табиий боғларимиз мавжуд. Мана шуларни 5 миллион 700 гектарга етказиш бўйича вазифалар белгиланди.

Албатта, йиғилишда белгиланган вазифалар бажарилиши таъминланади. Бунинг учун барча ташкилий, молиявий чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Шуҳрат ВАФОЕВ, Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири ўринбосари:

— Танқидий руҳда ўтган йиғилишда соҳада ҳали муаммолар кўплиги кўрсатиб ўтилди, чиқиндиларни бошқариш тизимини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилиб, Президентимиз томонидан бир қатор топшириқлар берилди.

Аввалambor, халқимизни чиқинди йиғиш хизматлари билан таъминлашни юз фоизга етказиш, иккинчидан, бу соҳага хусусий ва хорижий инвесторларни жалб қилиб, хусусийлаштириш жараёнларини кучайтириш, учинчидан, ваз-ирлигимиз ва бошқа идоралар мутасаддиларига, хусусан, ҳокимларнинг инвестиция бўйича ўринбосарларига бу масалаларни ечишда аниқ топшириқлар берилди.

Йиғилиш доирасида 2019 йилда қабул қилинган мазкур соҳадаги стратегияни амалга ошириш, бундан ташқари, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда бажарилган лойиҳалар ҳолати кўриб чиқилди. Бу бўйича танқидий фикрлар билдирилди. Олдимизда турган ишларни жадаллаштириш юзасидан топшириқлар берилди.

Даврон ҲИДОЯТОВ, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари:

— Йиғилишда нодавлат сектор чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлашда яхши самара бериши, қаерда шундай корхоналар ишлаётган бўлса, хизмат сифати ҳам юқори, аҳоли ҳам рози экани алоҳида таъкидланди. Пойтахтимизда ҳозирда санитар тозалаш хизматлари билан аҳолини қамраб олиш даражаси юз фоизни ташкил этади, бироқ соҳага ҳалигача чет эл инвестори жалб қилинмагани камчилигимиз. Президентимиз томонидан давлат-хусусий шериклик борасида Тошкент шаҳрини намуна қилиб кўрсатиш борасида топшириқ бўлди.

Чиқиндиларни қайта ишлашни тартибга солиш бўйича 14 та ҳудуддаги туманлар кесимида алоҳида қарорлар қабул қилиниши ҳамда уларнинг ижроси юзасидан назорат тизими йўлга қўйилиши белгиланди. Айтиш жоиз, бизда қайта ишлаш фоизи жуда паст. Ҳозирги кунда 8 фоиз бўлса, йил охиригача 12 фоиз бўлиши кутилмоқда. Бу борада ҳам давлатимиз раҳбаридан аниқ топшириқлар олдик. Энг аввало, бу бўйича танлов асосида чет эллик инвесторларни жалб қилиб, бошқарувга бериш кўриб чиқилмоқда.

Йиғилишда қурилиш чиқиндиларига ҳам алоҳида урғу берилди. Қурилиш чиқиндилари учун полигонлар ҳамда уларни қайта ишловчи кластерлар ташкил этиш муҳимлиги айтилди.

Бундан ташқари, халқаро молия ташкилотларидан жалб этилган маблағлар натижадорлиги ҳам муҳокама қилинди. Бу маблағлар эвазига бошланган лойиҳаларни жадаллаштириб, қисқа муддатларда фойдаланишга топшириш юзасидан кўрсатмалар берилди, соҳани камхарж ва тежамкор техникалар билан таъминлаш муҳимлиги таъкидланди. Ўйлайманки, яқин кунлар ичида бу йўналишда катта ўзгаришлар бўлади.

«Халқ сўзи».

«Қабул — 2020»

Бухорода тест синовларини ўн кунда якунлаш режалаштирилмоқда

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Бухорода ҳам олий ўқув юртларига кириш учун ўтказиладиган тест синовлари пандемия шароитидан келиб чиққан ҳолда очиқ стадионларда ташкил этилади.

Санитария-эпидемиология талабларига риоя этиш имкониятлари ҳисобга олиниб, кириш имтиҳонлари ўтказиладиган манзил сифатида “Бухоро” спорт мажмуаси, “Умид” спорт-соғломлаштириш маркази майдонлари ҳамда “Дилкушо” теннис мажмуаси кортлари танланди. Айни дамда ушбу масканларда мос равишда 1 минг 80 та, 1 минг 260 та ва 960 та ўрин ҳозирланяпти.

Айтиш жоизки, жорий йилда вилоятдаги олий ўқув юртларига ўқишга кириш истагидаги ёшлар сони сезиларли даражада кўпайди. Абитуриентлар салкам 66 минг нафарни ташкил этмоқда. Ваҳоланки, ўтган йили бу кўрсаткич 50 минг 518 нафар эди.

Вилоят ҳокимлиги матбуот хизматидан маълум қилишларича, Бухорода кириш имтиҳонларини ўн кунда якунлаш режалаштирилмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

МОДДИЙ ЁРДАМ ПУЛИ ЭНГ ЗАРУР ВАҚТДА ЕТКАЗИЛМОҚДА

Айни кунларда Иштихон туманида Президентимизнинг “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, “темир дафтар”га киритилган камбағал оилаларнинг ҳар бир аъзосига 220 минг сўмдан моддий ёрдам пуллари тарқатилмоқда.

Ғамхўрлик

Ишчи гуруҳ аъзолари секторга бириктирилган банк ходимлари билан Катта қанғли маҳалласида эҳтиёжманд оилалар хонадонига бориб, пул маблағларини ўз эгаларига етказди.

— Биринчи гуруҳ ногироникман, — дейди шу маҳаллада яшовчи И. Сарибоев. — Фарзандларим карантин сабаб ишсиз қолишганди. Очиғи, бир жойдан бир сўм келмаганидан кейин рўзғорни қандай қиларканмиз, деб ўйланиб тургандик. Бугун 1 миллион 320 минг сўм моддий ёрдам пули берилди. Қийин вазиятда биз каби “қўли калта” фуқароларини қўллаб-қувватлаётган давлатимизга минг раҳмат!

Туманнинг 4 та секторида ҳам “темир дафтар”да қайд этилган оилаларга моддий ёрдам пуллари тарқатилмоқда.

Албатта, бир қарашда мазкур маблағ ҳамма оиланинг ҳам катта эҳтиёжларини қондиришга етмас, аммо у бугун оғир шароитга тушиб қолганлар учун бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон воситаларини харид қилишда асқатиши тайин.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

Бино ва иншоотлардаги иссиқлик тармоқларини босим остида ювиш ҳамда профилактик таъмирловчи ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси

2020 йил 15 августдан 30 августга қадар Академия ҳудудидаги бино ва иншоотлардаги иссиқлик тармоқларини босим остида ювиб тозалаш ҳамда профилактик таъмирлаш бўйича тижорат таклифларини қабул қилади.

Ҳисоб-китоблар нақд пулсиз (пул ўтказиш), шартнома миқдорининг 15 фоизини олдиндан тўлаш орқали амалга оширилади.

Маълумот учун телефон ва факс:
71-258-56-57, 97-757-79-19.
Манзил:
Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй.

КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШИГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧАДИ

“Халқ сўзи” газетасида эълон қилинаётган мамлакатимиз олий таълим тизимида юз бераётган ўзгаришлар ва уларнинг таҳлилига оид материалларни мунтазам ўқиб боряпмиз. Уларда таълимдаги юксалиш барча соҳа тараққиётининг асоси эканлиги ҳаётий мисоллар, фикр-мулоҳазалар асосида очиб берилмоқда.

Газетхон фикри

Жумладан, газетанинг 2020 йил 5 август сонида Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Университет 3.0” халқаро ўқув, илмий-инновацион тадқиқотлар маркази директори, и.ф.д., доцент Шерзод Мустафоқулов ва ТДИУ Таълимнинг кредит тизимини бошқариш бўлими бошлиғи, (PhD) Мансур Султонов ҳаммуаллифлигида чоп этилган “Кредит-модуль тизимига ўтиш нима учун керак? Мақсад, моҳият ва афзаллик” сарлавҳали мақолада олий таълимда ўқитиш сифатини ошириш, шаффофликни таъминлаш, коррупцияга барҳам бериш, талабанинг ҳақиқий билимини юзага чиқариш ҳамда мустақил ўқиб-ўрганиб, ўз устида ишлашига замин яратадиган янги тизимнинг мазмунмоҳияти ҳамда аҳамияти таҳлил қилиб берилган.

Хўш, бугун ва келажак учун мазкур механизм қай даражада фойда келтиради? У янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсадларига қанчалик мос? Мақолани ўқиш мобайнида ушбу саволларга атрофлича жавоб топамиз.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йилнинг 8 октябрида “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш ва

КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИГА ЎТИШ НИМА УЧУН КЕРАК?

МАҚСАД, МОҲИЯТ ВА АФЗАЛЛИК.

олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш белгилаб берилган. Жумладан, 2030 йилга қадар республикадаги барча олий таълим муассасасининг 85 фоизи, 2020/2021 ўқув йилининг ўзида 33 та олий таълим даргоҳини кредит-модуль тизимига ўтказиш кўрсатиб ўтилган.

Муаллифлар қайд этганидек, кредит-модуль тизимининг жорий этилиши ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликда ишлашида муҳим омил ҳисобланади. Модулли таълимда педагог тингловчининг ўзлаштириш жараёнини ташкиллаштиради, бошқаради, маслаҳат беради, текширади. Талаба эса йўналтирилган объект томон мустақил ҳаракат қилади. Энг катта урғу ҳам талабаларнинг мустақил таълим олишига қаратилади.

Албатта, ушбу тизимга ўтиш бир кунлик, бир йиллик жараён эмас. Уни ҳаётга татбиқ этиш учун пухта ўрганиш, муҳит яратиш керак. Бу йўлда хатоликлар, камчиликларга йўл қўйиш акс натижа бериши мумкин. Лекин бу тизимга ўтиш — давр талаби, бутун дунё тажрибаси. Шундагина жаҳон бозорига мос келадиган кадрларни тайёрлашимиз мумкин. Бунинг учун вақти-вақти билан қўлга киритилаётган натижаларни таҳлил қилиб, камчиликларни тўғрилаб боришимиз керак. Ҳар бир профессор-ўқитувчи, шу тизимга масъул ходим, талабалар янги тизимни амалга ошириш жараёнига жиддий эътибор бериши лозим.

Мазкур жараёнда профессор-ўқитувчилар савиясини ошириш, меҳнат бозори талабларини ҳисобга олган ҳолда ўқув адабиётлари яратишимиз зарур. Хорижий олий таълим даргоҳларида амалий машғулот ва мустақил ишлар учун тавсия этиладиган адабиётларни таржима қилиш ҳамда шулар асосида Ўзбекистон шароитига мос келадиган мажмуаларни яратишимиз шарт.

Энг муҳими, олий таълимда бошланган ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, кредит-модуль тизимини жорий этишда барчамиз бирга ҳаракат қилишимиз зарур. Зеро, барча ривожланган мамлакатларнинг олий таълим муассасалари ушбу йўлдан юриб, юқори натижаларни қўлга киритмоқда.

Абубакр МУҲАММЕДОВ, Гулистон давлат университети доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди.

Тошкент молия институти жамоаси институтнинг Менежмент ва маркетинг кафедраси катта ўқитувчиси Наргиза Раҳматуллаевага онаси

Зарифа МАҲАМАТХОНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти ижодий жамоаси фахрий журналист

Баҳриддин САТТОРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

“Агробанк” акциядорлик тижорат банки жамоаси Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Шуҳрат Расуловга отаси

Ғайрат РАСУЛОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 31 961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Ғаффоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.45 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6